

**Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти Раёсати ва Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши Ижроия қўмитаси**

**ҚЎШМА ҚАРОРИ**

Тошкент ш.

№ 09-a

«26» Од 2021 й.

№ 2-09.c'

«26» од 2021 й.

**Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти ва  
Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси  
Республика Кенгаши ўртасида 2018-2020 йилларга тузилган  
Тармоқ келишувининг 2020 йилда бажарилиши ҳамда 2021-2023  
йилларга тузилган Тармоқ келишувини тасдиқлаш тұғрисида**

Соҳа ходимларининг юқори ижтимоий, моддий фаровонлиги ҳамда меҳнат хукуқлари ва кафолатларига риоя қилиш, иш берувчилар ва ходимлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни барқарорлигини таъминлаш максадида икки томонлама тузилган тармоқ келишувининг 2020 йилда бажарилиши тұғрисидаги маълумотномани ҳамда 2021-2023 йилларга мүлжалланиб икки томонлама тузилган Тармоқ келишуви лойиҳасини ўрганиб чиқиб, Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти Раёсати ва Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши Ижроия қўмитаси қарор қиласди:

**1.** Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти ва Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши ўртасида ижтимоий-иктисодий ва меҳнат муносабатлари бўйича 2018-2020 йилларга тузилган Тармоқ келишувининг 2020 йилда бажарилиши тұғрисидаги маълумотнома ахборот учун кабул қилинсин (1-илова).

**2.** Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти ва Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши ўртасида ижтимоий-иктисодий ва меҳнат муносабатлари бўйича 2018-2020 йилларга тузилган Тармоқ келишувининг 2020 йилда бажарилиши қониқарли деб топилсин.

**3.** Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти ва Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши ўртасида 2021-2023 йиллар учун тузилган Тармоқ келишуви лойиҳаси бўйича Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Эксперт комиссиясининг 2021 йил 9 февралдаги 40-21-сонли Эксперт хulosаси инобатга олинсин.

**4.** Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти ва Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши билан биргаликда ижтимоий-иктисодий ва меҳнат муносабатлари бўйича 2021-2023 йилларга мүлжалланиб икки томонлама тузилган Тармоқ келишуви лойиҳаси тасдиқлансин (2-илова).

**5.** Тармоқ келишуви бажарилишини назорат қилувчи комиссия таркиби 3-иловага мувофик тасдиқлансан.

**6.** Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти билан Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгашига ушбу келишувни амалда тадбиқ этилишини таъминлаш юклатилсан.

7. Жамият тасарруфидағи барча ташкилотларда тузилган жамоа шартномаларнинг 2020 йилда бажарилишига багишланган конференцияларни жорий йилнинг апрель ойигача ўтказиш вазифаси топширилсин.

8. Мазкур қарорни бажарилишини назорат килиш Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти раиси Х.Ё.Каримов ва Ўзбекистон Соғликни саклаш ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши раиси Ф.Ханапияевга юклатилсин.

Ўзбекистон Қизил Ярим ой  
жамияти раиси



Х.Ё.Каримов

Ўзбекистон Соғликни саклаш  
ходимлари касаба уюшмаси  
Республика Кенгаши раиси



Ф.Ханапияев

**Ўзбекистон Қизил Ярим Ой Жамияти ва Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш  
ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши ўртасида  
2021-2023 йилларга тузилган**

**ТАРМОҚ КЕЛИШУВИ**

Мазкур Тармоқ келишуви (кейинги ўринларда “Келишув” деб аталади) Ўзбекистон Қизил Ярим Ой Жамияти (кейинги ўринларда “Жамият” деб аталади) билан Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши (кейинги ўринларда “Республика Кенгаши” деб аталади) ўртасида тузилган бўлиб, Жамият тизимида ижтимоий ривожланишнинг асосий йўналишларини, меҳнат шартлари ва унга ҳак тўлашни, ходимларнинг ижтимоий кафолатларини белгилаб берувчи норматив хужжатdir.

**I. Умумий қоидалар**

1.1. Жамият тассаруфидаги ташкилотлар раҳбарлари ижтимоий шерикчиликни ривожлантириш мақсадида Республика Кенгаши ва унинг ҳудудий бўлинма раҳбарлари ҳамда бошланғич касаба уюшма ташкилотлари билан ходимларнинг меҳнат, иш ҳақи, уларнинг иш билан бандлиги ва ижтимоий кафолатлари борасида музокаралар олиб бориш ҳамда жамоа шартномаларини тузишни кўзда тутади.

1.2. Келишув Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси (бундан буён “МК” деб аталади), Ўзбекистон Республикасининг “Ижтимоий шериклик тўғрисида”, “Аҳоли бандлиги тўғрисида”, “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”, “Касаба уюшмалари тўғрисида”ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 19 марта “Иш ҳақи ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 88-сонли қарори ва бошқа норматив-хукукий хужжатлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Ўзбекистон Иш берувчилар конфедерацияси ўртасида тузилган ижтимоий-иктисодий масалаларга оид Бош келишувига асосан тузилган ушбу Келишув куйидаги йўналишларни ўз ичига олади:

- ходимлар турмуш даражаси пасайишининг олдини олиш, ижтимоий-иктисодий кафолатларини таъминлаш, уларнинг хукуқларини ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш;

- қонунлар билан белгиланган нормалар ва қоидаларда кўрсатилганидан имтиёзлироқ меҳнат шартлари ва ижтимоий-иктисодий шартларни жамоа шартномаларига киритиш;

- ходимларнинг хукукий билимларини ва маданиятини, ижтимоий шериклик, ходимларни ижтимоий муҳофазалаш, меҳнат қонунчилиги ва Халқаро меҳнат ташкилотининг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация килинган Конвенциялари хақида билимларини ошириш мақсадида ҳамкорликда семинарлар ташкил қилиш;

- жамият ходимларининг меҳнатини ва саломатлигини муҳофаза қилишини конун доирасида таъминлаш;
- ходимлардан келиб тушаётган ижтимоий-меҳнат соҳасидаги мурожаатларни ҳамкорликда кўриб чиқиш;
- касаба уюшма ташкилотларига фаолиятини амалга ошириш учун шароит яратиш.

1.3. Тармоқда ижтимоий шерикликни таъминлаш учун:

- Республика Кенгаши вакилини Жамият Раёсат аъзолигига киритилишини;
- Жамият вакили Республика Кенгаши Ижроия қўмитаси аъзолигига киритилиши;
- касаба уюшма бошлангич қўмиталари раисларини Жамият тасарруфидаги минтақавий ташкилотлари бошқарув органларига киритилиши таъминланади.

1.4. Келишув Жамият тасарруфидаги ташкилотлар билан меҳнат муносабатларида турган барча ходимларга тааллуқлидир.

1.5. Жамият, тармоқ касаба уюшмасини ходимларининг ижтимоий-иктисодий манфаатларини ифодаловчи ягона вакили деб тан олади.

1.6. Касаба уюшмаси аъзолик бадаллари ходимнинг ёзма розилиги билан бухгалтерия орқали пул ўтказиш йўли билан тегишли касаба уюшма қўмитаси хисоб-ракамига ўтказилади.

1.7. Жамоа шартномаларини тузиш пайтида ушбу Келишувда ходимлар учун белгиланган ижтимоий кафолатларнинг энг паст даражасидан юқори шартлар киритилишига тўсқинлик қилинмайди.

1.8. Касаба уюшмалари қўмиталарига сайланган ходимлар учун қуидаги ижтимоий кафолатлар сақлаб қолинади:

- асосий ишдан озод этилмаган касаба уюшма қўмиталарининг раисларига жамоа манфаатлари йўлидаги ишларни бажариш учун иш ҳақи сақланган холда бир ҳафтада икки соат бўш вакт ажратиш;
- қисқа муддатли касаба уюшма ўкувлари ҳамда касаба уюшма ташкилотлари ишида иштирок этган даврида ўртacha иш ҳақини сақлаб қолиш;
- касаба уюшмаси органи талаб қилганда унга меҳнат ҳамда ижтимоий-иктисодий ривожланиш билан боғлиқ масалалар юзасидан маълумотлар тақдим этиш;
- касаба уюшмаси органининг уставида белгиланган фаолиятини амалга ошириш учун хона, компьютер жамланмаси, интернет, алоқа воситалари, канцелярия молларидан бепул фойдаланиш;

1.9. Халқаро Меҳнат Ташкилотининг қуидаги Конвенциялариға оғишмайриоя этилишини таъминлаш:

- “Зўраки ёки мажбурий меҳнат тўғрисда”ги 29-сонли Конвенция;
- “Қирқ соатлик иш ҳафтаси тўғрисида”ги 47-сонли Конвенция;
- “Ҳак тўланадиган таътил тўғрисида”ги 52-сонли Конвенция;
- “Меҳнат инспекцияси тўғрисида”ги 81-сонли Конвенция;
- Халқаро меҳнат ташкилотининг “Бирлашмалар эркинлиги ва касаба уюшмаларига бирлашиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги 87-Конвенция;

- “Жамоа музокараларини ташкил этиш ва юритиш хуқуқи принципларини қўллаш тўғрисида”ги 98-сонли Конвенция;
- “Тенг аҳамиятли ишлар учун эркаклар ва хотин-кизларга тенг ҳақ тўлаш тўғрисида”ги 100-сонли Конвенция;
- “Оналикни ҳимоя қилиш тўғрисида”ги 103-сонли Конвенция;
- “Мажбурий меҳнатни тугатиш тўғрисида”ги 105-сонли Конвенция;
- “Меҳнат ва иш турлари соҳасида камситишлар тўғрисида”ги 111-сонли Конвенция;
- “Иш билан таъминлаш соҳасидаги сиёsat тўғрисида”ги 122-сонли Конвенция;
- Халқаро меҳнат ташкилотининг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган “Меҳнаткашларнинг вакиллари ҳақида”ги 135-Конвенция;
- “Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисида”ги 138-сонли Конвенция;
- “Халқаро меҳнат нормалари қўлланилишига кўмаклашиш учун уч томонлама маслаҳатлашувлар тўғрисида”ги 144-сонли Конвенция;
- “Жамоа музокараларини олиб бориш тўғрисида”ги 154-сонли Конвенция.

1.10. Жамият ва унинг тасарруфдаги ташкилотлар раҳбарлари ходимлар манфаатига дахлдор қарорлар қабул қилишдан олдин тегишли Республика Кенгаши ёки тармоқ касаба уюшмасининг жойлардаги органлари билан маслаҳатлашишлари шарт.

1.11. Ижтимоий-иктисодий ривожлантириш дастурлари ва локал-хукукий хужжатлар лойиҳаларини, шунингдек ушбу лойиҳаларга доир таклифларни тайёрлашда, уларни Жамият хузуридаги ишчи мажлисларида кўриб чиқиша касаба уюшма органлари вакиларининг иштирок этиши таъминланади.

1.12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 декабрдаги “Кексалар ва ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-2705-сонли Қарорини амалга оширишга ҳар томонлама кўмаклашилади.

1.13. Тизимдаги ташкилот ва муассасалар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 июлдаги “Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга карши курашиш тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5775-сон Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2018 йил 10 майдаги “Ўзбекистон Республикасида мажбурий меҳнатга барҳам беришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 349-сонли қарорига тўлиқ риоя этиш мажбуриятларини ўз зиммасига олади.

## **II. Меҳнат шартномаси, бандлик кафолатлари**

### **Иш берувчининг мажбуриятлари:**

2.1. Касблари, малакалари ва улар билан тузилган меҳнат шартномаларига мувофиқ ходимларнинг бандлигини таъминлаш.

2.2. Меҳнат шароитларининг ўзгариши ва ходимларни оммавий ишдан бўшатилиши билан боғлиқ масалаларни касаба уюшма кўмитаси билан келишиш.

Касаба уюшма қўмитасининг ёзма розилигисиз иш берувчи ташаббуси билан ходимларнинг меҳнат шартномаларини бекор қилмаслик (бундан ташкилотни тугатилиши, ташкилот раҳбари, шунингдек мулк эгасининг алмашиши сабабли ташкилот раҳбари, унинг ўринбосарлари, бош бухгалтер билан, ташкилотда бош бухгалтер лавозими бўлмаган тақдирда эса бош бухгалтер вазифасини амалга оширувчи ходим билан меҳнат муносабатларини бекор қилиш ҳоллари мустасно).

Меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилишга розилик сўраб киритилган тақдимнома касаба уюшма қўмитасида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсатининг 2016 йил 19 апрелдаги 2-11 сонли қарори билан тасдиқланган “Касаба уюшмаси органида иш берувчининг тақдимномасини кўриб чиқиш тартиби” асосида кўриб чиқилиши таъминланади.

2.3. Ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил қилиш ҳамда технологиялар ўзгариши, иш ҳажмининг камайиши муносабати билан штатлар сонини қисқартиришни амалга оширишда:

- ходимларга уларнинг хоҳишига кўра ҳақ тўланмайдиган таътиллар бериш;
- МКнинг 103-моддасига биноан ишда қолиш афзалликларига эга бўлган ходимлар тоифаларини аниqlаш.

2.4. **Иш берувчи** ходимлар сонини қисқартирилиши билан бодлиқ таркибий жиҳатдан қайта ўзгартириш масалалари тўғрисида ҳамда ходимларни оммавий равища ишдан озод этиш эҳтимоли тўғрисида камида икки ой олдин касаба уюшма қўмитасига ахборот тақдим этиш ва ишдан озод этиш оқибатларини енгиллаштиришга қаратилган маслаҳатли ишларни амалга ошириш мажбуриятини, шунингдек, камида икки ой олдин ҳар бир ходимнинг касби, мутахассислиги, малакаси ва меҳнат ҳақи миқдорини кўрсатган ҳолда, ишдан озод қилиш тўғрисидаги маълумотларни маҳаллий меҳнат органига ҳам маълум қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

Муассаса ходимларининг рўйхатдаги сонидан камида 10 фоизининг бир вақтнинг ўзида ишдан озод этилиши ходимларни оммавий равища ишдан озод этилиши деб ҳисобланади.

(Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 20 октябрдаги “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги ЎРҚ-642-сон Қонунининг 18-моддасга биноан, одамларнинг умумий сони 100 кишидан ортиқ бўлган ташкилотлардан рўйхатдаги ходимлар ўртача сонининг 10 ва ундан ортиқ фоизи ишдан бўшатилиши ходимларни оммавий равища ишдан бўшатиш деб ҳисобланади).

2.5. Пандемия даврида коронавирус инфекцияси билан заарланиб, карантинга жойлаштирилган 14 ёшга тўлмаган боланинг ота-онаси (унинг ўрнини босувчи шахслар, васийлар, ҳомийлар) бўлган ходимлар билан меҳнат шартномаларини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш таъкиқланади.

2.6. Ходимларни вақтинча бошқа ишга ўтказишида (ходимнинг ўзи ёки иш берувчининг ташаббуси билан) уларнинг меҳнатига ҳақ тўлашни МКнинг 94 ва 95-моддалари талабларига риоя қилинган ҳолда жамоа шартномалари орқали белгиланган тартибда амалга оширилишини таъминлаш.

2.7. Ходимларни дам олиш ва байрам кунларида ишга жалб қилиш МКнинг 130, 132-моддалар талабларига риоя қилинган ҳолда жамоа шартномалари орқали белгиланган тартибда амалга оширилишини таъминлаш.

2.8. Юридик шахсларнинг тугатилиши ва қайта ташкил этилиши натижасида иш жойидан бўшатилган ходимларнинг конуний ҳукуқларига риоя этиш.

2.9. Ижтимоий йўналтирилган давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ишларида фаол иштирок этиб, кам таъминланган ва кўп болали оиласарни, ишлаётган оналарни ижтимоий муҳофаза қилиш ва кўллаб-куватлашнинг қонунларда кўзда тутилган чоралари амалга оширилиши таъминлаш.

2.10. 18 ёшга тўлмаган шахсларни ишга қабул қилишда ва уларнинг меҳнатидан фойдаланишда Халқаро меҳнат ташкилотининг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган 138 ва 182- Конвенциялари талабларига риоя этилишини таъминлаш.

2.11. Касаба уюшма органларига сайланган ходимларни уларнинг сайлов ваколатлари тугагандан сўнг 2 йил давомида иш берувчининг ташабbusи билан ишдан бўшатилишига маҳаллий меҳнат органларининг олдиндан розилигини олмай туриб йўл қўймаслик. (МК 25-моддаси).

2.12. Ишга қабул қилиш ва хизмат бўйича кўтаришда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқук ҳамда имкониятларни яратиш.

### III. Иш вақти ва дам олиш вақти

3.1. Бир ҳафталик иш вақтининг нормал муддати 40 соатдан ортиқ бўлмаслиги керак. Сменада (навбатда) туриб ишлайдиган ходимларнинг иш вақтини жамлаб ҳисоблаш амалга оширилган ҳолда смена графигига мувофик аниқланади.

3.2. Жамият ходимлари учун иш вақти ва дам олиш вақтларининг режими Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатларига мувофик ички меҳнат тартиби коидалари билан белгиланади.

3.3. Қўйидагилар учун қисқартирилган (бир ҳафтада 36 соатдан ошмайдиган) иш вақти белгиланади:

- 18 ёшга тўлмаган ходимлар учун;
- I ва II гурӯх ногиронларига;
- тиббиёт ходимларига
- нокулай меҳнат шароитларида ишлаётган ходимлар учун.

Хар бир ташкилотдаги меҳнат шароитлари нокулай бўлган ишлар рўйхати ва улардаги иш вақтининг аниқ муддати Иш ўринларини меҳнат шароитлари ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 сентябрь 263-сонли қарори) га асосан иш жойларини аттестациядан ўтказиш натижаларига асосан жамоа шартномалари орқали белгиланади.

3.4. Ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан ишга қабул қилиш чоғида ҳам, кейинчалик ҳам тұлиқсиз иш куни ёки тұлиқсиз иш ҳафтаси белгилаб қўйилиши мумкин.

Тұлиқсиз иш вақти шароитида ишлаш муддати ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан белгилаб қўйилади. Тұлиқсиз иш вақти режимидағи меҳнат учун ишланган вақтта мутаносиб равишда ҳақ тұланади. (МК 119-моддаси).

3.5. Ходимни унинг розилиги билангина ишдан ташқари вактларда ишга жалб қилиш. Бунда иш сменаси 12 соат бўлган, оғир ва заарли меҳнат шароитларида ишлаётган ходимларни ҳамда 18 ёшга тұлмаган шахсларни ишдан ташқари вактда ишга жалб қиласлик (МК 124-моддаси).

3.6. Ишдан ташқари вактларда ишга жалб килинадиган ҳар бир ходим учун унинг йил давомида шундай ишларда ишлаган вақти 120 соатдан ошиб кетишига йўл қўймаслик (МК 125 моддаси).

3.7. Ташкилотларда имзоланаётган жамоа шартномаларига киритиш учун ташкилотнинг иктисадий имкониятларини хисобга олган ҳолда ходимларга ҳақ тўланадиган қуидагича қўшимча таътиллар бериш тавсия этилади:

- врачларга (бўлим раҳбарларига, бухгалтер, инженер ва олий маълумотли бошқа муттахассисларга) – 9 кун;
- ҳамшираларга – 9 кун;
- санитаркаларга – 9 кун;
- техник ходимларга (хўжалик бўлими ходимлари) - 3 кун (МК 137-моддаси).

3.8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан фуқароларнинг расмий саналарни нишонлаш даврида тўлиқ дам олиши учун шароитлар яратиш, дам олиш ва байрам кунларидан оқилона фойдаланишини таъминлаш мақсадида дам олиш кунлари белгиланганда кўрсатилган қўшимча дам олиш кунларининг берилиши муносабати билан ходимларнинг йиллик асосий ва қўшимча таътиллари давомийлиги ўзгармайди.

3.9. Қуидаги ҳолларда ходимларга бир марталик ҳақ тўланадиган қўшимча таътил бериш:

- |   |          |
|---|----------|
| - яқин қариндошлари (ота-онаси, турмуш ўртоғининг ота-онаси, турмуш ўртоғи, фарзандлари, ака-укалари ва опа-сингиллари) вафот этганда | - 3 кун; |
| - фарзанд тугилганда (отасига)  | - 1 кун; |
| - фарзанди 1 синфга чиққанда (онасига, отасига)   | - 1 кун; |
| - фарзандларининг никоҳ тўйларида   | - 3 кун; |
| - ходимнинг никоҳ тўйларида   | - 3 кун; |
| - юбилей саналарида (50, 55, 60, 65, 70, 80)  | - 1 кун; |

3.10. Ҳомиладор аёлларга ҳомиладорлик ва туғиши таътилига чиққунларига кадар 1 ойлик ҳақ тўланмайдиган таътил бериш.

3.11. Йиллик меҳнат таътилларининг умумий давомийлиги (қўшимча таътиллар билан биргаликда) 48 иш кунидан ортиқ бўлмаслиги керак.

3.12. Ходимга иш ҳақи сакланмаган ҳолда бериладиган муддати икки ҳафтадан ортиқ бўлган таътил даврини ҳам йиллик асосий таътилни олиш хукукини берувчи меҳнат стажига қўшиш. (МК 142-моддаси).

3.13. МКнинг 144-моддасида кўрсатилган ходимлар тоифаларидан ташкари қуидаги ходимларга меҳнат таътили уларнинг хоҳишига кўра ёзги ёки улар учун кулай бўлган бошқа вактда берилади:

а) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 20.03.1997 йил 153-сонли карорига асосан ижтимоий аҳамиятга молик касаллик бўйича хисобда турган ходимларга;

б) бетоб оила аъзосини парваришилаётган ходимларга;

в) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 18.05.2007 йил ПФ-3878-сонли Фармонига биноан тижорат банкларидан ипотека кредитини олган ёш оилалар вакилларига;

г) ишилаётган пенсионерларга.

3.14. МКнинг 150-моддасида кўрсатилган ходимлардан ташкари қуидаги ходимларга (1941-1945 йиллардаги уруш катнашчилари ва имтиёzlари жиҳатидан уларга тенглаштирилган шахслар, I ва II гурух ногиронлари, ўн икки ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ болани тарбиялаётган аёллар)дан ташкари яна қуидаги ходимларга уларнинг хоҳишига кўра иш ҳаки сақланмаган холда мукаррар тартибида 14 календар кунга қадар таътил берилади:

а) бетоб оила аъзосини парваришилаётган шахсларга;

б) 30 ёшгача бўлган ёш оила аъзоларига;

в) ишилаётган пенсионерларга.

Шунингдек жамоа шартномалари ва меҳнат шартномаси шартларида назарда тутилган бошқа ҳолларда.

3.15. Ходимнинг аризасига биноан унга иш ҳаки сақланмаган холда таътил берилиши мумкин, унинг муддати ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан белгиланади, лекин 12 ойлик давр мобайнида 3 ойдан ошмаслиги лозим.

3.16. Пандемия даврида карантин қоидалари кучайтирилганда ходимлар иш берувчилар томонидан ўз хисобидан таътилга мажбурий равишда йил давомида 3 ойдан ортиқ муддатга чиқариб юборилганини инобатга олиб, Солик Кодексининг 374-моддаси 2-бандида назарда тутилган, иш ҳаки қисман сақлаб қолинган холда мажбурий таътил бериш.

#### **IV. Меҳнатга ҳақ тўлаш, кафолатли тўловлар ва компенсация тарзидаги тўловлар**

4.1. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 9-боби талабларига риоя қилинишини, ходимларга 1-разряд ставкасидан кам бўлмаган миқдорда ҳақ тўланишини таъминлаш.

Жамият таркибидаги ташкилотларнинг тиббиёт ходимларига меҳнат ҳаки тўлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси томонидан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси давлат ташкилотлари тиббиёт ва фармацевтика ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг тариф сеткаси”да белгиланган разрядлар асосида амалга ошириш.

Ташкилотда меҳнат килаётган нотиббий ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш Ягона тариф сеткаси бўйича амалга ошириш.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида коронавирус инфекциясига қарши курашиш даврида тиббиёт ва бошқа ходимларга моддий рагбалантириш тұловлари амалдаги мөъерий хужжатларга мувофик тұланади.

4.2. Мекненетта ҳақ тұлаш фондининг тариф қисми ва тарифта құшимча қисми үртасидаги мақбул нисбатни давлат томонидан ва жамоа шартномалари воситасида үрнатилиши мүмкін.

4.3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони билан белгиланған энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда, үз вақтида мекненетта ҳақ тұлаш миқдорлари қайта күриб чиқлади.

4.4. Тунги вақтдаги (соат 22-00 дан то 6-00 гача) ишнинг ҳар бир соати учун бир ярим баробар миқдорда ҳақ тұланади.

4.5. Республикада белгиланған байрамлар (1 январь, 8 март, 21 март, 9 май, 1 сентябрь, 1 октябрь, 8 декабрь, Рұза ва Қурбон хайитларининг бириңчи күнлари)да иш графиги асосида ишлаганлик ёхуд иш берувчининг фармойишига асосан шу күнларда ишга жалб этилған муассасаларнинг барча ходимларига, шунингдегі дам олиш күнлари (якшанба) ишлаганлиги, ёхуд сменада турғанлиги учун Мекненет кодексининг 157-моддаси талабидан келиб чиққан ҳолда иккى хисса миқдорида иш ҳақи тұлаш ёки иш вақтидан ташқари бажарылған иш соатларига тенг келадиган миқдорда отгул бериш.

4.6. МКнинг 171, 172 ва 173 моддаларида күзде тутилған ҳаражатлар ходим томонидан тегишли хужжатлар тақдым этилғанда, жамоа шартномаларида белгиланған тартибда ва миқдорларда қопланиши таъминланади.

4.7. Ходимларга иш ҳақи тұлашнинг аник, муддатларини жамоа шартномаларида белгилаб қўйилиши таъминланishi лозим. (МК 161 моддаси).

4.8. Жамият тизимида барча ташкилотларда мекненетта ҳақ тұлашнинг шакли ва тизими, муддатлари, турли устамалар, мукофотлар, рағбатлантириш, моддий ёрдам, құшимча ва компенсация тұловларининг аник миқдорлари жамоа шартномаларида белгилаб қўйилади.

4.9. Мекненетта ҳақ тұлаш фондининг тариф қисми ва тарифта құшимча қисми үртасидаги мақбул нисбат ташкилотларнинг жамоа шартномаларида белгиланади.

4.10. Ходим давлат ёки жамоат вазифаларини, иш берувчи ва мекненет жамоаси манфаатларига доир вазифаларни бажаришда ҳамда жамият манфаатларига доир ҳаракатлар қылғанда ана шу вазифаларни бажариш вақтида унинг ўртача иш ҳақи сақланади. (МК 165,166,167-моддалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 11.03.1997 й. 133-сонли қарорини 5-иловаси).

4.11. Ташкилотлар раҳбарларига бевосита тармоқ тизимида амалий фаолият билан шуғулданаётган, фахрий унвон ва илмий даражага эга бўлган шахсларга нисбатан қуйидаги құшимча тұловлар белгилаш ҳуқуқи берилади:

- "Халқ" ва "Хизмат кўрсатган арбоб" фахрий унвонлари эгаларига тұловлар Республикада белгиланған базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 баравари, "Хизмат кўрсатган" фахрий унвони соҳиблари учун 1 баравари миқдорида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 17 декабрдаги ПФ-3942 сонли Фармони);

- илмий даражасига эга бўлганларга Республикада белгиланган базавий хисоблаш микдорининг 60% гача, фан доктори даражасига эга бўлганларга эса базавий хисоблаш микдорининг 100% гача бўлган микдорда.

4.12. Иш берувчи ишдаги ютуқлар учун ходимга нисбатан рағбатлантириш чоралари кўлланиши мумкин. (МК 180-моддаси).

4.13. Республика миқёсидаги хизмат сафарларида бўлган ходимларнинг суткалик харажатлари МКнинг 171-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ва Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан 2003 йил 24 июля 83 ва 7/12-сон билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 2003 йил 29 августида 1268-рақам билан рўйхатга олинган “Ўзбекистон Республикаси худудидаги хизмат сафарлари тўғрисидаги Йўриқнома”га асосан, Ўзбекистон Республикаси ташқарисига хизмат сафарига юборилганда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 19 ноябрда 2730-рақам билан рўйхатдан ўтказилган “Вазирликлар, идоралар, корхоналар ва ташкилотлар ходимлари Ўзбекистон Республикаси ташқарисига хизмат сафарига юборилганда хизмат сафари харажатлари учун маблағлар бериш тартиби тўғрисидаги НИЗОМ”га асосан қопланади.

4.14. Жамият ташкилотларида хизмат қилаётган ходимларга иш ҳақини ўз вактида ва тўлиқ тўланишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 19 марта 88-сонли “Иш ҳаки ўз вактида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига асосан иш ҳаки тўловлари кечиктирилгани учун ташкилот раҳбарларининг масъулиятини ошириш мақсадида, иш ҳаки тўловларини иш берувчининг ёки банк ташкилотсининг айби билан кечиктирилган ҳар бир куни учун тўланиши лозим бўлган сумманинг 0,01 фоизи микдорида пеня тўланиши амалга оширилади.(МК 154- моддаси)

4.15. Касаба уюшма қўмитаси раисининг ҳизмат сафарлари билан боғлиқ харажатлари ташкилот хисобидан амалга оширилиши таъминланади.

4.16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 февралдаги “Вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик бўйича нафақалар тўлаш чегарасини такомиллаштириш тўғрисида”ги 71-сон қарорига асосан Вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик варакалари бўйича қуйидаги микдорларда нафақа тўланади:

- Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларидан бўлган ходимларга, байналмилалчи жангчиларга ва уларга тенглаштирилган шахсларга, қарамоғида 16 ёшга (ўқувчилар учун — 18 ёш) тўлмаган уч нафар ва ундан кўп фарзанди бўлган ходимларга, Чернобил АЭСдаги авария оқибатларини тугатишда қатнашган ходимларга, Чернобил АЭСдаги авария натижасида радиоактив ифлосланиш зonasидан эвакуация қилинган ва кўчирилган қон ҳосил қилувчи органлар касалликлари (ўткир лейкоз), қалқонсимон без ва хавфли ўсмалар (аденома, рак) билан боғлиқ касалликларга чалинган ходимларга, ядро полигонларида ва бошқа радиация-ядро обьектларида ҳарбий хизматни ўтаган пенсия ёшидаги ногирон ходимларга, шунингдек ходим ишда шикастланиш ва касб касалликлари оқибатида вақтинчалик меҳнат қобилиятини йўқотганда — ойлик иш ҳақининг тўлиқ микдорида;

- ижтимоий аҳамиятга эга касалликлар бўйича хисобда турувчи ходимларга, улар томонидан давлат ижтимоий сугуртасига бадаллар тўлаб келиниши муддатига (умумий иш стажига) қараб — ойлик иш ҳақининг 60 фоизидан 100 фоизигача микдорда;

- коронавирус инфекцияси билан заарланиши ёки заарланган деб гумон қилиниши муносабати билан карантинга жойлаштирилган ота-оналар (улар ўрнини босувчи шахслар, васийлар, ҳомийлар), шунингдек, уларнинг 14 ёшгача бўлган боласини парвариш қилаётган шахсларга ўртacha ойлик иш ҳақининг 100 фоизи микдорида;

- бошқа ҳолатларда, улар томонидан давлат ижтимоий сугуртасига бадаллар тўлаб келиниши муддатига (умумий иш стажига) қараб - иш ҳақининг 60%дан 80%гача. (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2002 йил 8 майда 1136-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 2002 йил 1 апрелдаги 21-сон буйруғи билан тасдиқланган “Давлат ижтимоий сугуртаси бўйича нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида”ги Низом)

4.17. Ходимнинг айбисиз юзага келган бўш туриб қолишлиар учун ўртacha иш ҳақининг сақланишини таъминлаш.

4.18. Мехнатнинг янги белгиланган нормалари, тариф сеткаси ва ишбай баҳо кўрсатгичлари олдиндан касаба уюшма қўмиталари билан келишиб олинади.

4.19. Таътил бошланмасдан олдин охирги иш кунида таътил учун ҳақ тўланишини таъминлаш (МК 148 моддаси).

4.20. Автотранспорт ҳайдовчилари меҳнатига ҳақ тўлаш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 23 январда 3130-сон билан рўйхатдан ўтказилган “Автомобиль транспорти ҳайдовчилари меҳнатига ҳақ тўлашнинг умумий шартлари тўғрисидаги низом”га мувофиқ амалга оширилади.

4.21. Халқаро меҳнат ташкилотининг “Тенг аҳамиятли меҳнат учун эркак ва аёл меҳнаткашларга тенг ҳақ тўлаш тўғрисида”ги 100-сонли Конвенциясига биноан эркаклар ва аёллар томонидан турли шароитларда, турли кўникма ва малака билан, турли кўринишдаги, жавобгарлиги бир-бирига бояглиқ бўлмаган, лекин бир хил қийматга эга бўлган ишлар тенг микдорда рағбатлантирилади.

4.22. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 6 сентябрдаги 743-сонли қарори билан тасдиқланган “Туман коэффициентлари, шунингдек, йиллик қўшимча таътилнинг энг кам муддати қўлланиладиган табиий-иклим шароитлари оғир ва ноқулай бўлган жойлар рўйхати”да кўрсатилмаган табиий-иклим шароитлари оғир ва ноқулай бўлган айрим жойларда ишлаганлик учун устамалар ва қўшимча таътиллар қўлланилиши тўғрисидаги шартларни тармоқ ташкилотларининг жамоа шартномаларида назарда тутиш.

4.23. Пандемия шароитида карантин талаблари кучайтирилиши муносабати билан масофавий ишга вактинчалик ўтказилган ходимнинг меҳнатига ҳақ тўлаш қўйидагича амалга оширилади:

мехнатга ҳақ тұлашдаги соатбай асосида - ходимнинг масофавий ишга ўтказилгунга қадар белгиланган тариф ставкаси (лавозим оклади)дан келиб чиқсан ҳолда;

мехнатга ҳақ тұлашдаги ишбай асосида — ўрнатылған нархлардан келиб чиқсан ҳолда.

## V. Мехнат интизоми

5.1. Инсон хуқуқлари ва эркинликларини химоя қилиш борасида республикада ўтказилаётган тадбирларни инобатта олган ҳолда мехнат муносабатлари жараёнида ходимларнинг хуқуқ ва ваколатларига зиён етказишини олдини олиш максадида Жамият ташкилотларида юридик ва кадрлар бўлимлари хизмати мутахассислари фаолиятини, касаба уюшмаларининг хуқуқ ва мехнат муҳофазаси бўйича мутахассисларининг билимлари ошириб борилади.

5.2. Ташкилотларда якка тартибдаги мехнат низолари ва зиддиятлар 6 аъзолардан ташкил топган (хар тарафдан 3 дан) иш берувчи ва касаба уюшма қўмитаси томонидан тенглик асосида тузиладиган мехнат низолари комиссияси томонидан қўриб чиқилади.

5.3. Мехнат низолари комиссияси ўз фаолиятини конун ҳужжатлари ва Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерация Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси томонидан тасдиқланган (12.01.2015 й., 20-66 с, 15.01.2015 й. 01-СП). Мехнат аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан келишилган таинияларга асосан ишлаб чиқилган Низомга мувофик ва ҳар бир ташкилотда ишлаб чиқилган Низомга биноан олиб боради.

5.4. Жамоаларга доир мехнат низолари Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

## VI. Мехнат хавфсизлиги ва гигиенаси

### Иш берувчининг мажбуриятлари:

6.1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 27 апрелдаги 246-сонли қарори билан тасдиқланган Мехнатни муҳофаза қилиш соҳасида қайта тайёрлаш ва малака ошириш тартиби тўғрисидаги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 1996 йил 14 августда 272-рақам билан рўйхатга олинган ходимларни мехнат муҳофазаси бўйича ўқитиш ҳамда билимларини текшириш тўғрисидаги намунавий Низом талабларига биноан ходимларни, доимий харакатдаги имтихон комиссияси аъзоларини ҳамда мехнат муҳофазаси бўйича мутахассисларни мехнат муҳофазаси бўйича ўқитади ҳамда билимларини текшириш ишларини ташкил этади.

Ташкилотларда мехнатни муҳофаза қилиш бўйича ишларни ташкил этиш тўғрисидаги Низоми” (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 1996 йил 14 августда 273-рақам билан рўйхатга олинган) талаблари асосида ташкил этади

6.2. Касаба уюшмаси Республика Кенгаши бўлан биргалиқда ишлаб чиқаришда жароҳатланиш ва касб касалликларининг олдини олиш бўйича тармок дастурини ишлаб чиқиш ва бажарилишини таъминлаш.

6.3. Жамият тизимидағи ҳар бир ташкилотларда жамоа шартномаларини тузишда амалдаги қонунларга мувофиқ меҳнат муҳофазаси тадбирлари учун зарур бўлган миқдорларда маблаг ажратилишини ва уларнинг тўлиқ ўзлаштирилишини таъминлаш.

6.4. Ходимларни ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 24 июндаги 177-сонли қарори билан тасдиқланган “Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш қоидалари” талабларига мувофиқ ҳолда сугурта килиш.

6.5. Ишлаб чиқаришда юз берган баҳтсиз ҳодиса туфайли ходимнинг соғлигига шикаст етказилганлиги ёки унинг вафоти муносабати билан иш берувчи томонидан бир йўла тўланадиган нафақалар ҳамда заарларни қоплаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 11.02.2005 йил 60-сонли қарори билан тасдиқланган ходимларга уларнинг меҳнат вазифасини бажариш билан боғлик ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатликнинг бошқа хил шикастланиши туфайли етказилган заарни тўлаш қоидаларига ва Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги Қонуннинг 33-моддасига асосан бир марталик нафақа тўлайди:

-ходимнинг соғлигига етказилган заарнинг ўрнини қоплаш учун жабрланувчининг меҳнатда майиб бўлишига қадар бўлган ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан жабрланувчи томонидан касбга оид меҳнат қобилиятини йўқотиш даражасига мувофиқ бўлган фоизлардаги ҳар ойлик тўлов, шунингдек ходимнинг бир йиллик иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда бир йўла бериладиган нафақа тўлови ҳамда ходимнинг соғлиги шикастланишидан келиб чиккан кўшимча харажатларни (агар у даволаниш, протез қўйдириш ва тиббий ҳамда ижтимоий ёрдамнинг бошқа турларига муҳтоҷ деб топилган бўлса, ушбу тадбирлар билан боғлик харажатлар, шунингдек жабрланувчининг қайта тайёргарлиги ва тиббий хulosага мувофиқ ишга жойлашиши учун харажатлар ва бошқа харажатлар) компенсация киласи.

-ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодиса ёки касб касаллиги оқибатида ходим вафот этган такдирда, заарнинг ўрни қопланиши ҳуқукига эга бўлган шахсларга бокувчининг вафоти билан боғлик ҳолда етказилган заарнинг ўрнини қоплаш учун конун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳар ойлик тўловларни, шунингдек вафот этган ходимнинг ўртача йиллик иш ҳақининг олти бараваридан кам бўлмаган миқдорда бир йўла бериладиган нафақа тўлашни ва дағн этиш билан боғлик сарф-харажатларини ҳам ўз зиммасига олади.

6.6. Меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги бўйича жамоатчилик назоратини ташкил этиш юзасидан республика кўрик-танлови бўйича корхона, ташкилот, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, шунингдек бошланғич касаба уюшма кўмиталари, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакиллар ўртасида жамоат назоратини энг яхши ташкил этиш юзасидан республика танлови ўтказиш ва

голибларни юкори касаба уюшма ташкилотларига тавсия этиш Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсатининг Қарори билан тасдиқланган “Мехнат муҳофазаси ва хавфсизлиги бўйича жамоатчилик назоратини ташкил этиш юзасидан республика кўрик-танлови тўғрисида”ги Низомда белгиланган тартибда амалга оширади.

6.7. МКнинг 214 - моддасига асосан Соглиқни сақлаш вазирлигининг 2012 йил 10 июлдаги 200-сонли буйруғи билан белгиланган тартибда дастлабки тарзда ва кейинчалик вакти вакти билан тиббий кўриқдан ўтказилишини ходимларнинг чикимдор бўлмаган ҳолда ташкил қилинишини таъминлаш.

6.8. Ташкилотлардаги меҳнат муҳофазаси бўйича сайланган вакилларни ўқитиш ва рағбатлантириб бориш.

6.9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 6 июля 286-сонли қарори билан тасдиқланган “Ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигининг бошқа ҳил заарланишини текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисидаги Низом” талабига асосан оқибати ўлим билан тугаган баҳтсиз ҳодисаларни ҳайъат йиғилишида Республика Кенгаши ва баҳтсиз ҳодиса содир бўлган ташкилотлар раҳбарлари иштирокида муҳокама қилинишини таъминлаш.

6.10. Меҳнат муҳофазаси бўйича битим Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши 2017 йил 4 апрелдаги 6-44“с”-сонли қарори билан тасдиқланган “Мехнатни муҳофаза килиш тадбирларини режалаштириш бўйича тавсиялар”га биноан тузилади ва жамоа шартномасига илова қилинади.

6.11. Республика Кенгаши билан биргаликда меҳнатни муҳофаза қилишнинг норма ва қоидаларига риоя этилиши юзасидан ҳамкорликда назорат олиб бориш ва йилда бир марта Жамиятнинг ҳайъат йиғилишида кўриб чиқиш.

## **VII. Маданий-маърифий ишлар, жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш, меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш**

7.1. Маданий-маърифий, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш борасида куйидаги ишлар амалага оширилади:

- бугунги кунда амалга оширилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналишлари, кенг кўламдаги ислохотлар моҳиятини, қабул қилинган қонун хужжатлари ва давлат Дастурларининг аҳамиятини меҳнаткашларга, айниқса ёшларга атрофлича тушунтириш мақсадида ойда 1 марта “Маънавият соатлари”ни ўтказиб бориш;

- “Маънавият ва маърифат” хоналарини, кутубхоналарни Президент асарлари, Мустакиллик йилларида чоп этилган янги адабиётлар, плакатлар ҳамда техник воситалар билан таъминлаш;

- соҳа ходимлари учун ташкил этиладиган бадиий ҳаваскорлик танловларида ва бошқа кўрик-танловларда иштирок этиш;

- соҳа ходимларини саломатлигини мустаҳкамлаш, уларни спорт билан мунтазам шуғулланишларини ташкил этиш;

- соҳа ходимлари ўртасида ташкил этиладиган спорт мусобакаларида иштирок этиш;

- кам таъминланган ва кўп болали аёллар, ишлаётган меҳнат фахрийлари ва ногиронларни тизимдаги санаторийларда молиявий имоният даражасида имтиёзли соғломлаштиришни кўзда тутиш;

- ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини маданий дам олдириш, республиканизнинг диккатга сазавор жойларига ва тарихий шаҳарларга саёҳатларини ташкил этиш;

- Ташкилотларда “Ходимлар гимнастикаси”ни кенг жорий этиш;

- иш вақтидан сўнг танланган кунларда (хафтада камида бир марта) тизимдаги меҳнат жамоаларида раҳбар ва барча ходимларнинг жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари (югуриш, стритбол, футбол, бадминтон, волейбол, баскетбол, стол тениси, сузиш ва бошқалар) билан шуғулланишини ташкил килиш.

7.2. Ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини (ота-она, турмуш ўртоғи ва фарзандлари) соғломлаштириши ва дам олдириш учун йўлланмалар ходимлар томонидан касаба уюшмаси кўмитасига тақдим этган арисасига асосан, улар томонидан тўланган ижтимоий солик тушумларидан ва касаба уюшмалари аъзолик бадалларидан тушган маблағларнинг согломлаштиришга ажратилган миқдорига хамда белгиланган тартибга мувофик равишда берилади.

7.3. 11 ноябрь – касаба уюшмалари куни деб белгиланганлиги муносабати билан ҳар йили ташкилот ва муассасаларда касаба уюшмалари кунига бағишлиб ўтказиладиган маданий-маърифий ва спорт-соғломлаштириш тадбирлари, касаба уюшмаси фаолиятига дахлдор кўрик-танловлар, конференция, форум, семинар, тренинг ва ижтимоий шериклар билан учрашувларда иштирок этиш.

### VIII. Республика Кенгашнинг мажбуриятлари

8.1. Жамиятнинг барча ташкилотларида ходимларнинг ижтимоий химоясини таъминлаш мақсадида ташкилотнинг иқтисодий имкониятларидан келиб чикиб, қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар билан белгиланган нормалар ва коидаларда кўсатилганидан имтиёзлирок меҳнат ва ижтимоий-иктисодий шартларни белгиловчи жамоа шартномаларининг тузилишига эришиш.

8.2. Жамиятнинг ижтимоий иқтисодий ривожланиш дастурларини бажарилишига кўмаклашиш, бу борада ходимлар ташабbusи ва ижодиётини кўллаб-куватлаш ва ривожлантириш.

8.3. Меҳнат муҳофазасига оид норматив-хуқукий ҳужжатларни экспертизадан ўтказиш.

8.4. Касаба уюшма аъзоларига меҳнат муҳофазаси бўйича бепул хуқукий ёрдам кўрсатиб бориш.

8.5. МКнинг 9-моддасига асосан меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига ва Меҳнатни муҳофаза килиш коидаларига риоя этилишини текшириш ва назорат килиш.

8.6. Ташкилот ходимларининг меҳнат ва майший шароитларини яхшилашга кўмаклашиш.

8.7. Ташкилот ходимларига амалдаги қонунларда ўрнатилган имтиёзлар берилиши устидан назорат олиб бориш, керак бўлган ҳолларда уларни меҳнат хукуқларини ҳимоя қилиб, даъво аризаси билан судга мурожаат қилиш.

8.8. Меҳнатни муҳофаза қилиш масалаларида касаба уюшма фаолларига ташкилий, хукукий ёрдам бериш ва уларни ўқишлирида кўмаклашиш.

8.9. Меҳнат шартномаси асосида Жамият ташкилотларида ишлаётган ходимларни, иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисидаги қонун талаблари бажарилишини назорат қилиш.

8.10. Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича тадбирларни молиялаштиришни таъминлаш устидан жамоат назоратини олиб бориш.

8.11. Маънавият ва маърифат соҳасидаги ислоҳотларни давлат сиёсатининг асосий, устувор йўналиши деб хисоблаш ва самарадорлигини ошириш борасида тизимдаги маънавият хоналарини, кутубхоналарни Президент асарлари, ўзбек адиблари ва бугунги кун талабига биноан керакли адабиётлар билан таъминлаш даражасини ошириш. Маънавият ва маърифат соҳасидаги Давлат сиёсати, Президент Фармонлари ва хукумат қарорларини ҳамда маънавий-маърифий тушунчаларнинг моҳиятини оммавий ахборот воситалари орқали тарғиб қилиш.

8.12. Ёшлишимизни фидойи, билимдон, ватанпарвар, соглом тафаккурга эга бўлишлари, гоявий бўшлиқка йўл кўймаслик, гиёхвандлик ва ОИТСнинг олдини олиш бўйича улар ўртасида мунтазам равишда машғулотлар, тарбиявий ишлар олиб бориш, ёш ижодкорлар клубларига, спорт секцияларига жалб қилишининг оммавийлигини таъминлаш.

8.13. Ўзбекистон Республикасининг жисмоний тарбия ва спорт тўғрисидаги Қонунини, Вазирлар Маҳкамасининг 1999 й. 27 майдаги 271-сонли “Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, кейинги йилларда спортни ривожлантириш борасида Президент Фармонлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини бажариш мақсадида соҳа ходимларини, ёшларни мунтазам равишда жисмоний тарбия ва спортга жалб қилиш, оммавийлигини ошириш бўйича аниқ чора-тадбирларни ҳаётга татбиқ этиш, мусобақалар, спартакиадалар ва спорт ўйинларини юқори савиядга ўтказишни, ташкилотларда спорт хоналарини ташкил этиш ва керакли спорт жиҳозлари билан таъминлаш масалаларини жамоа шартномаларида акс эттириш.

8.14. Соҳа ходимлари ва уларнинг фарзандларини санаторий, дам олиш уйлари, пансионат ва ёзги согломлаштириш оромгоҳларида согломлаштиришни ташкил этиш.

8.15. Қўлланилаётган меҳнатга ҳак тўлаш тизимлари, иш ҳаки тўланиши, жамоа шартномаси бўйича қўшимча тўловлар берилиши тўғрилигини, шунингдек меҳнат муҳофазаси ва ҳавфсизлик техникаси шароитларини яхшилаш, бўйича тадбирлар бажарилишини назорат қилиш.

8.16. Меҳнат тўғрисидаги қонунлар ижросини назорат қилиш, ходимлар хукукий саводхонлигини юксалтиришга кўмаклашиш.

8.17. Халқаро мөхнат ташкилотининг “Ташкилотларда мөхнаткашлар вакилларининг ҳукуқларини ҳимоя қилиш ва уларга бериладиган имкониятлар тўғрисида”ги 135-Конвенциясига, шунингдек “Мөхнат муҳофазаси бўйича вакил ҳақидаги Низом”га биноан мөхнатни муҳофаза қилиш бўйича вакиллар ва мөхнат низолари комиссиясининг аъзоларини мөхнаткашлар вакиллари деб эътироф этилиши.

8.18. Ташкилотларда асосий ишидан озод қилинмаган мөхнаткашлар вакилларига жамоатчилик ишларини бажариш учун ўртача иш ҳақи сақлаб қолинган холда бўш вақт берилишини назорат қилиш.

8.19. Мөхнаткашлар вакилларини интизомий жазо чораларини қўллаш, улар билан иш берувчи ташаббусига кўра мөхнат шартномасини бекор қилиш амалларидан муҳофаза қилиш кафолатлари.

8.20. Жамият билан биргаликда мөхнатни муҳофаза қилишнинг норма ва қоидаларига риоя этилиши юзасидан ҳамкорликда назорат олиб боради ва Жамиятнинг ҳайят йиғилишида кўриб чиқиш.

8.21. Ижтимоий йўналтирилган Давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ишларида фаол иштирок этиш, кам таъминланган ва имконияти чекланган болаларни тарбиялаётган оиласарни, ишлаётган оналарни ижтимоий муҳофаза қилиш ва қўллаб қувватлашнинг қонун хужжатларида кўзда тутилган чораларини амалга оширишни таъминлаб бориш.

8.22. Ёлғиз кексалар, пенсионерлар, ногиронлар, имконияти чекланган болалар кам таъминланган ва кўп болали оиласарга моддий ёрдам кўрсатиш учун ҳар йили “Наврӯз” ва “Мустақиллик” байрамлари арафасида мақсадли тадбирлар ўтказиш.

#### **IX. Аёллар мөхнатини тартибга солиш, аёллар ва оилавий вазифаларни бажариш билан машғул шахсларга бериладиган қўшимча имтиёзлар ва кафолатлар**

9.1. Уч ёшгача фарзандлари бўлган аёллар учун ойлик иш ҳақларини сақлаган холда иш ҳафтаси 1 соатга қисқартирилади. (МК 228- моддаси).

9.2. Ходим билан иш берувчи ўргасидаги келишувга биноан тўлиқсиз иш куни ёки иш ҳафтаси белгилаб қўйилиши мумкин. Ҳомиладор аёлнинг, ўн тўрт ёшга тўлмаган боласи (ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи) бор аёлнинг, шу жумладан ҳомийлигига шундай боласи бор аёлнинг ёки оиланинг бетоб аъзосини парвариш қилиш билан банд бўлган шахснинг илтимосига кўра, иш берувчи тиббий хulosага мувофик уларга тўлиқсиз иш куни ёки тўлиқсиз иш ҳафтаси белгилайди.

9.3. Икки ва ундан ортиқ 12 ёшгача фарзанди бўлган ёки 16 ёшгача ногирон фарзанди бўлган аёлларга ҳар йили 3 иш кунидан иборат бўлган ҳақ тўланувчи қўшимча таътил берилади.(МК 232-моддаси).

Ҳомиладорлик ва туғиши нафақаси ҳомиладорлик ва туғиши таътилининг бутун даврида тўлиқ иш ҳақи микдорида тўланади(МК 233-286 моддаси).

9.4. Ҳомиладор аёлларни тиббий қўриқдан ўтишлари учун, иш берувчи томонидан уларнинг ўртача иш хақи сақланган холда ишдан озод этиш (агар мазкур қўриқни ишдан ташқари вактда ўтказиш имконияти бўлмаса).

9.5. Ҳомиладор ва боласи бор аёллар учун Қонунларда кўрсатилган кафолатларга риоя этилишини ҳамда имтиёзлар берилишини таъминлаш мажбуриятини ўз зиммаларига олади.

9.6. Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳукуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш мажбуриятларини ташкилотларнинг ва улар таркибий бўлинмаларнинг ваколатли шахси зиммасига юклаш.

## X. Ёшлар учун қўшимча имтиёзлар ва кафолатлар

10.1. Таълим ташкилотларида ишлаб чиқаришдан ажralмаган холда ўкиб, ўкув режасини бажараётган ходимларга ҳақ тўланадиган қўшимча таътил бериш, кискартирилган иш ҳафтасини жорий этиш ва бошқа имтиёзлардан фойдаланишлари жамоа шартномаларида акс эттирилади (МК 240,249-моддаси).

10.2. Жамият ёшларга оид давлат сиёсатининг амалга оширилишида иштирок этиши давомида Халқаро Мехнат Ташкилотининг қуидаги Конвенцияларига оғишмай риоя этилишини таъминлайди:

“Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисида”ги 138-сонли Конвенция;

“Болалар меҳнатининг оғир шаклларини тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилинч чоралар тўғрисида”ги 182-сонли Конвенция.

10.3. Жамоа шартномаларида ёшларга имтиёзлар бериш, улар учун маънавий ва моддий қўллаб-қувватлаш чораларини қўллаш масалаларини назарда тутиш, шу жумладан:

ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга, шунингдек касб-хунар таълими ташкилотларининг битирувчиларига меҳнат муносабатлари соҳасида қўшимча имтиёзлар ўрнатиш;

10.4. Касаба уюшмаси қўмитаси мажбуриятлари:

- корхонада амалиёт ўташга бириқтирилган ва корхонага ишга қабул қилинган касб-хунар коллежлари битирувчиларига касаба уюшмаси маблагидан Республикада белгиланган базавий хисоблаш микдорининг 20 ва 50 фоизи микдорида бир марталик моддий ёрдам кўрсатиш;

- янги ишга қабул қилинган ёшларнинг иш жойларида қўнимлилигини таъминлаш бўйича иш олиб бориш;

- МКнинг 84-моддасига асосан ўрта маҳсус, касб-хунар таълими ташкилотларининг, ҳамда олий ўкув юртларининг тегишли таълим муассасини тамомлаган кундан эътиборан уч йил ичида биринчи бор ишга кираётган битирувчилари ишга қабул қилинганда дастлабки синов белгиланмаслиги устидан жамоатчилик назоратини олиб бориш;

- МКнинг 247<sup>1</sup>-моддасига асосан ўрта маҳсус, касб-хунар таълими ташкилотларининг, шунингдек давлат грантлари бўйича таълим олган олий ўкув юртларининг тегишли таълим муассасини тамомлаган кундан эътиборан уч йил ичида биринчи бор ишга кирган битирувчилар билан меҳнат шартномаси у

тузилган қундан эътиборан уч йиллик муддат ўтгунига қадар иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилинганида иш берувчи бу ҳақда маҳаллий меҳнат органини хабардор килиши устидан жамоатчилик назоратини олиб бориш.

10.5. Ҳар бир ташкилотда “Устоз-шогирд” тизимини жорий этиш бўйича Бош келишув асосида, таълим ташкилотларини тамомлаб, биринчи марта ишга қабул қилинган ходимга бир йил давомида тажрибали ходимни устоз сифатида бириктириш орқали уларни тарбиялаш, касбга тайёрлаш ҳамда қўникмаларини ошириш ишлари олиб борилади.

10.6. Жамоа шартномаларида аёллар ва ёшларга имтиёзлар бериш, улар учун маънавий ва моддий қўллаб-қувватлаш чораларини қўллаш масалаларини назарда тутиш, шу жумладан болали аёлларга моддий ёрдам кўрсатиш ва қисқартирилган иш вақтини ўрнатиш.

## **XI. Ижтимоий мулоқот ва ижтимоий шерикликни ривожлантириш**

### **Иш берувчининг мажбуриятлари:**

11.1. касаба уюшмаларининг хуқуқларига риоя этиши, уларнинг фаолиятига кўмаклашиши;

ходимларнинг манфаатларига дахлдор қарорлар қабул қилингунига қадар касаба уюшмалари билан маслаҳатлашувлар ўтказиши, меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида ва норматив ҳужжатларда назарда тутилган ҳолларда эса уларнинг розилигини олиши;

касаба уюшмаларининг таклифларини ўз вақтида кўриб чиқиши ва уларга қабул қилинган қарорлар ҳакида ёзма шаклда, сабабларини кўрсатган ҳолда хабар килиши;

касаба уюшмалари органлари вакилларини улар манфаатларини ифода этаётган ходимларнинг иш жойларига монеликсиз киритиши;

касаба уюшмаларига ходимларнинг ижтимоий-иктисодий хуқук ва манфаатларига тааллуқли бўлган масалалар бўйича зарур ахборотни бепул тақдим этиши;

касаба уюшмаларига ўз вазифаларини бажариши учун зарур шароитларни таъминлаш;

касаба уюшмалари органлари таркибига сайланган ва ишлаб чиқаришдаги ишидан озод этилмаган шахсларга касаба уюшмаларига оид мажбуриятларини иш вақтида бажариши учун вакт бериши. Бунда касаба уюшмаларига оид мажбуриятларни бажариш вақти иш хафтаси соатлари сонининг 30 фойзидан кам бўлмаслиги керак;

касаба уюшмаларига жамоа шартномасида, келишувида белгиланган мақсадлар учун ва микдорларда маблағлар ўтказиши;

касаба уюшмасининг аъзолари бўлган ходимларнинг ёзма аризалари мавжуд бўлганда касаба уюшмасининг тегишли хисобварагига ходимларнинг иш ҳақидан ушлаб қолиш.

11.2. Тарафлар, ижтимоий-меҳнат муносабатлари соҳасидаги муаммоларни маданий йўл билан ҳал этиш услуги ҳисобланган ижтимоий мулоқот гоясига содиклигини билдириб, ўз зиммаларига қуидаги мажбуриятларни оладилар:

- Тармоқ келишувини тегишли йилнинг феврал ойидан, ташкилотларда иш берувчилар ва ходимлар ўртасидаги жамоа шартномаларини эса - март ойидан кечиктирмай тузиш тавсия этиш;
- долзарб ижтимоий-иктисодий муаммоларни муҳокама қилиш учун республика касаба уюшмалари фаоллари ва иш берувчиларнинг давра сухбатларини ташкил этиб бориш;
- меҳнат қонунчилиги бузилишига йўл қўйган мансабдор шахслар томонидан мазкур конун бузилиши бартараф этилмаган холларда, суд органларига мурожаат қилишдан олдин, юридик шахсларнинг юқори органлари билан ижтиомий шериклик ва мулоқот асосида ходимлар меҳнат хуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини жорий этишга эришиш;
- Жамият ва унинг қуий ташкилотлари ўзларига тегишли ходимларнинг манфаатига дахлдор қарор қабул қилишдан олдин Республика Кенгаши ва тармоқ касаба уюшмасининг жойлардаги органлари билан маслаҳатлашишлари шарт.
- Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг «Ишонч», «Ишонч-Доверие» газеталарига обунани ташкил этишга кўмаклашади.

## XII. Ижтимоий имтиёз ва кафолатлар.

12.1. Ходим, шунингдек унинг яқин қариндошлари (ота-онаси, турмуш ўртоги, фарзандлари) вафот этганда дағн маросимлари учун муассаса ҳисобидан транспорт хизматини кўрсатиш.

12.2. Ходим пенсияга чиқиши муносабати билан ишдан кетаётганда молиявий имкониятлардан келиб чиқсан ҳолда лавозим маошидан кам бўлмаган микдорда бир йўла рағбатлантириш.

12.3. Юбилей ёшига етган (50, 55, 60, 65, 70, 80 ёш) ходимларни муассасанинг молиявий имкониятларидан келиб чиқсан ҳолда муассаса ҳисобидан лавозим машининг бир баравари микдорида бир йўла мукофотлаш.

12.4. Ходим вафот этганда унинг оиласига молиявий имкониятлардан келиб чиқсан ҳолда жамоа шартномасида белгиланган микдорда муассаса ҳисобидан моддий ёрдам бериш.

12.5. Ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини санаторий, санаторий-профилакторияларда ва дам олиш масканларида согломлаштириш учун муассасалар молиявий имкониятларидан келиб чиқсан ҳолда маблағ ажратиш.

12.6. Касаба уюшма органларининг асосий ишидан озод килинган (бошлангич, бирлашган касаба уюшма кўмиталари) ходимларига моддий

рағбатлантириш, хўжалик фаолиятининг асосий натижалари учун мукофотлар, рағбатлантириш, сувсизлик ва район коэффициенти ҳамда бошқа қўшимча тўловларни муассаса маблаглари хисобидан тегишли раҳбарлар, мутахассислар ва хизматчиларга тўланадиган миқдорларда тўлаш.

12.7. Касаба уюшмаларининг меҳнат муҳофазаси бўйича ваколатли вакиллари этиб сайланган ходимлар ва меҳнат низолари комиссияси аъзолари меҳнат жамоасининг вакиллик органи аъзоларига тенглаштирилади ва уларга мазкур келишувда белгиланган ҳуқук, кафолат ва имтиёзлар татбиқ этиш.

12.8. Пандемия даврида меҳнат шароити зарур бўлган ва навбатчиликда вахта услубида ишловчи ходимларни ишга бориб келиши учун иш берувчи томонидан молиявий имкониятлардан келиб чиқсан ҳолда транспорт воситаси билан таъминлаш.

## **XII. Келишувни амалга ошириш механизми**

13.1. Томонлар Келишув мажбуриятларининг бажарилишини назорат қилишади ва унинг натижаларини хар йили, камида бир маротаба қўшма мажлисларда қўриб чиқилади. Шу сабабли тарафлар хар йилнинг 1 март кунига Келишувни бажарилиши юзасидан комиссия аъзоларга ахборотини тақдим этишади.

13.2. Келишувнинг бажарилишини назорат қилишни, уни бажариш мобайнида юзага келадиган келишмовчиликларни ҳал этишни келишув бажарилишини назорат қилувчи комиссияси томонидан амалга оширилади.

13.3. Келишувга имзо чеккан томонларнинг хар бири уни амалга оширишда ўз ваколатлари доирасида маъсулиятни тан олади ва ижтимоий шерикчилик тамойиллари асосида ҳамкорлик қилишни ўз зиммасига олади.

13.4. Келишувга имзо чекилгандан сўнг кучга киради ва 2021-2023 йиллар мобайнида амалда бўлади ҳамда янгиси қабул қилингунга қадар амалда бўлади, томонлар Келишув кучга эга бўлган муддатда уни бажармаслик ёки бекор қилиш ҳукуқига эга эмас.

13.5. Ушбу Келишув мажбуриятлари бажарилмаган ҳолларда томонлар масъул ходимларга МКнинг 181,182-моддаларига асосан жазо чораларини қўллашни талаб этишлари мумкин.

13.6. Ушбу Келишув имзоланган кейин Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига билдириш рўйхатидан ўтказиш учун юборилади.

13.7. Мазкур Келишувга имзо чеккан тарафлар унга аввал олинган мажбуриятларнинг бажарилишига тўсқинлик қилмайдиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш юзасидан таклифлар беришга ҳаклидир. Ушбу таклифлар тарафларнинг ўзаро розилиги билан қабул қилиниши мумкин.

Ўзбекистон Қизил Ярим Ой  
Жамияти раиси



Х.Я.Каримов

Тошкент ш.,  
2021 йил 26 апрель,  
09-а-сон

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш  
ходимлари касаба уюшмаси  
Республика Кенгашы раиси



Ф.Р.Ханапияев

Тошкент ш.,  
2021 йил 26 апрель,  
2-09-с-сон

